

# ШАРТНОМА

Косонсой тумани

№ 45

2022 йил 15 - сентябр

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Бюджет ташкилоти" деб юритилувчи **Кексалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун «Косонсой» санаторийси** номидан бюджет ташкилоти раҳбари **Х.Юсупжонов** бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи **Гузал Райхон Диеври МЧЖ** номидан иш кўрувчи **И.Хамзаев** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1 Мазкур шартнома бўйича "Етказиб берувчи" "Бюджет ташкилоти"га **озик-овқат маҳсулот**и етказиб бериш (кейинги уринларда – "товар (маҳсулот)" деб юритилади), "Бюджет ташкилоти" эса уларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

"Товар (маҳсулот)"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, нархи, шунингдек мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

## II. "ТОВАР (МАҲСУЛОТ)" НИНГ СИФАТИ.

2.1 Етказиб бериладиган "товар (маҳсулот)"нинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан етказиб бериладиган товар ва моддий-қийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлиши ҳамда сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёни билан тасдиқланиши шарт.

2.2 "Бюджет ташкилоти" га "Товар (маҳсулот)" билан бирга : мувофиқлик сертификати нусхаси, Етказиб берувчи томонидан расмийлаштирилган ДБД (давлат божхона декларацияси) нусхаси тақдим этилади.

2.3. "Етказиб бериладиган "Товар (маҳсулот)" учун \_\_\_\_ (йил, ой) кун муддатга кафолат берилади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Бюджет ташкилоти"нинг ҳуқуқлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Товар (маҳсулот)" "Бюджет ташкилоти" ҳисобига транспортда ташилганда "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги "Товар (маҳсулот)" етказиб берилишини талаб қилиш;

зарур сифатга эга бўлмаган "Товар (маҳсулот)" етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Товар (маҳсулот)" шунга ўхшаш "Товар (маҳсулот)" билан алмаштирилишини;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

3.2. "Бюджет ташкилоти"нинг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **980 000 (туққиз юз саксон минг сум 00 тийн)** сўми ташкил этади.

Етказиб бериладиган "Товар (маҳсулот)"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

4.2. Маҳсулотни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни "Етказиб берувчи" кўтаради.

Маҳсулот "Бюджет ташкилоти"нинг транспорти билан етказиб берилган тақдирда "Етказиб берувчи" транспортда ташиш харажатларини унга қоплайди (идишни ҳам ўз ичига олган ҳолда амалдаги масса бўйича).

4.3. "Бюджет ташкилоти" етказиб бериладиган "Товар (маҳсулот)" туркуми суммасининг **30** фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ тўлайди. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан сўнг 90 кун муддатда қолган **70** фоизини узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади.

4.4. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" учун пул утказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

## V. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. "Товар (маҳсулот)" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампда кўрсатилган сана "Товар (маҳсулот)"га ҳақ тўлаш бўйича "Бюджет ташкилоти" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

5.4. "Бюджет ташкилоти"нинг розилиги билан "Товар (маҳсулот)" муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва "Бюджет ташкилоти" томонидан қабул қилинган "Товар (маҳсулот)" учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган "Товар (маҳсулот)" ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

5.5. "Бюджет ташкилоти" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

5.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Товар (маҳсулот)" етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Товар (маҳсулот)" етказиб бериш "Бюджет ташкилоти"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги ёки талабномаси бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

5.7. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" бевосита "Бюджет ташкилоти"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

#### VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф: бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунда, ўзга қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 25-32-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

6.2. "Етказиб берувчи" ва "Бюджет ташкилоти" асосий шартномага тақдим этиладиган барча ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тенг жавобгардир.

#### VII. ФОРС МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Товарлар сунбосиши, ёнгин, zilзила ва бошқа табиий офатлар ҳамда давлатлараро келиб чиқадиган низолар каби енгиб булмайдиган кучлар натижасида Ушбу шартнома юзасидан булган уз мажбуриятини Тула ёки қисман бажара олмасликлари учун жавобгар булмайдилар.

#### VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ҳал қилинади ёки бевосита суд органларига мурожат қилишга ҳақлидир.

#### IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Шартнома газначилиқдан руйхатдан утказилгандан сунг кучга киради ва 2022 йил «31» декабргача амал қилади.

#### X. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

"ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"	"БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ"
Гузал Райхон Диёри МЧЖ	Кексалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун «Косонсой» санаторийси
Косонсой шахри А.Жомий МФЙ	Косонсой туман Олмазор даҳаси №4 уй
Тел.: +998999981215 Факс: +998696522755	Шх/в 100010860142077101203344001
ИНН: 301223472 ОКЭД: 46690 Р/С: 20208000604786683001 Банк: КОСОНСОЙ Т. АТ ХАЛК БАНКИ КОСОНСОЙ ФИЛИАЛИ МФО: 00718	Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи 200075795 ОКОНХ 91800
 Ташкилот раҳбари И.Хамзаев (имзо) М.У.	Молия Вазирлиги Газначилиги Газна х/р: 23402000300100001010 Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. ХККМ МФО: 00014 ИНН: 201122919  Х.Юсупжонов (имзо) М.У.

Юрист \_\_\_\_\_

Ф.И.О. Лицензия раками № \_\_\_\_\_

2022 йил " 15 " январ даги

№ 45 сонли шартномага 1-илова

т/р	Махсулот тури	ул.бир	микдор	нарх	жами суммаси (ККС сиз)
1	Макаронлар	кг	140	7000	980000
	жами	х	х	х	980000

Шартноманинг умумий киймати 980 000 сумни ташкил этади.

Туккиз юз саксон минг сум 00 тийн

Кексалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун «Косонсой» санаторийси

Косонсой туман Олмазор даҳаси №4-уй

Шх/р 100010860142077101203344001

Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи 200075795

ОКОНХ 91800

Уз.Республикаси Молия Вазирлиги Газначилик

Х/В 23402000300100001010

ККМ МБ Тошкент ш. Бош Бошкармаси

МФО 00014

Газначилик бундмаси СТИРи 201122919

Рохбар:

Х.Юсупжонов

Бузал Райхон Диёри МЧЖ

Косонсой шаҳри А.Жомий МФЙ

х/р 20208000604786683001

КОСОНСОЙ Т., АТ ХАЛК БАНКИ

КОСОНСОЙ ФИЛИАЛИ

МФО 00718

ИНН 301223472

ОКОНХ 17150

Рохбар:-



Юрист \_\_\_\_\_ Ф.И.О. Лицензия раками № \_\_\_\_\_

*М. Юсупжонов*



Юридик шахсни давлат руйхатидан утказиш тугрисида

# ГУВОХНОМА

Республикадаги тартиб рақами:

2160

№

2001

2011 йил « 25 » июн.

Маъмур гувоҳнома тартиб рақами

«GO'ZAL RAYHON DIYORI» масъулияти чекланган жамияти.

га берилган.

Ташкилий ҳуқуқий шакли:

ТХШ

1151

Мулкчилик шакли:

МШ

142

Почта манзили:

МХОБТ

1714207501

Юридик шахс:

КТУТ

22812853

Тармоқ коди:

АХТУТ

71150

Салт ҳуқуқий тартиб рақами:

СТНР

301223472

Қушимча маълумот:



Давлат Қосонсой тумани ҳокимлиги ҳузуридаги Таъбиркорлик субъектларини руйхатдан утказиш инспекцияси томонидан 2009 йил 16 июндаги 1636-сонли РЕЕСТР билан руйхатдан утган «GO'ZAL RAYHON DIYORI» ҳусусий қарздорлик шаклида ташкил этилди.

Таъбиркорлик субъектларини руйхатдан утказиш инспекцияси бошлиғи:

А.К.Халилова